

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ЁҒ, МОЙ ВА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ

“ЁҒЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА ҚАЙД ВА ҲИСОБОТ”

фанидан 1 – амалий машғулот

мавзу: Тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотларининг
қолдиқларини аниқлаш

Тошкент – 2007

Тузувчи: Қодиров Й.Қ.

“Ёғларни қайта ишлашда қайд ва ҳисобот” фанидан амалий машғулотлар, услубий қўлланма, Т. ТКТИ, 2007.

“Ёғларни қайта ишлашда қайд ва ҳисобот” фанидан амалий машғулотлар магистратуранинг 5А541102 – “Ёғларни қайта ишлаш технологияси” мутахассислигини ўқув режасига асосан 18 соат ҳажмида 9 та машғулотни ўз ичига олади.

Услубий қўлланмада ёғ ва мойларни гидратлаш, рафинациялаш, гидрогенлаш, маргарин, майонез ва совун ишлаб чиқариш цехлари бўйича ҳисобот шакллари, уларни бажариш учун йўриқномалар, тайёр маҳсулот, ярим тайёр маҳсулотлар, ва материалларни технологик жараён вақтида йўқотилиш меъёрлар келтирилган.

1 – машғулот
Тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотларининг
қолдиқларини аниқлаш

28-шакл

_____ (корхона номи)

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Раҳбар _____
« _____ » _____ 200__ й.

Хомашё, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр ва оралиқ маҳсулотлар, қайтариладиган ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини инвентарлаш бўйича

ДАЛОЛАТНОМА

ТИЛХАТ

Инвентарлаш бошлангунга қадар товар-материал бойликларини барча кирим ва чиқим ҳужжатлари ҳисобхонага топширилган ва менинг жавобгарлигимга келган барча товар-материал буюмлари кирим қилинган, чиқарилганлари эса чиқим қилинган.

Охирги ҳужжатлар рақами:

кирим бўйича _____

чиқим бўйича _____

Моддий – жавобгар шахслар:

_____ (вазифаси)

_____ (ф.и.о.)

_____ (имзо)

_____ (вазифаси)

_____ (ф.и.о.)

_____ (имзо)

« _____ » _____ 200__ й.

« _____ » _____ 200__ й. даги _____ - рақамли буйруқ асосида тузилган инвентарлаш комиссияси, қуйидаги таркибда раис _____ ва аъзолар _____

_____ бўйича натурал қолдиқларни инвентарлашни

(цех, омбор ва бошқ)

ўтказди ва « _____ » _____ 200__ й. даги қуйидагиларни ҳолати бўйича аниқлади:

Т.р.	Номланиши	Сақланиш жойи	Тўлдириш баландлиги, см	Сигимлар ўлчам-лари, м	Ҳажми, м ³	Ҳарорат, °С	Солиштирма оғирлик	Натурал масса, кг	Таҳлил рақами	Таҳлил бўйича ёғ миқдори, %	Намлик ва чўкмасиз ёғ массаси, кг	Дастлабки хомашё ҳисобидаги масса, кг
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қайта ишланган пахта чигитини ўртача ойлик ёғлиги _____%

Комиссия раиси:

Комиссия аъзолари:

Ушбу далолатномада келтирилган _____ рақамдан _____ рақамгача бўлган барча моддий бойликлар менинг иштирокида натурал ҳолида текширилди ва далолатномага киритилди, шунинг учун инвентарлаш комиссиясига ҳеч қандай эътирозим йўқ.

Далолатномада келтирилган моддий бойликлар, менинг жавобгарлигимда сақланади.

Моддий жавобгар шахс « _____ » _____ 200__ й.

Ушбу далолатномада кўрсатилган маълумотлар ва ҳисоблашларни текширдим

« _____ » _____ 200__ й.

_____ (вазифаси)

_____ (имзо)

Инвентарлаш далолатномаси омборларда ва цехларда ойлик ва йиллик инвентарлашни расмийлаштириш учун хизмат қилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги қолдиқ хомашёни, оралик ва тайёр маҳсулотни, ярим тайёр маҳсулот ва қайтариладиган ишлаб чиқариш чиқиндиларини аниқлашда тарозида тортиш бўйича амалга оширилади ва лаборатория маълумотларига асосан ёғнинг ҳақиқий миқдори топилади (керак бўлган ҳолларда). Қолдиқ хомашёни ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни, сатҳ орқали ўлчашга фақат цехлардаги ойлик инвентарлаш вақтидагина рухсат этилади.

Бу ҳолда сатҳ орқали ўлчаш асосида 4,5,6, ва 7- устунлар, лаборатория кўрсатмалари бўйича эса 8-устун тўлдирилади.

5-устунда сигимнинг ўлчамлари (эни-суратида, узунлиги-махражида) кўрсатилади.

4-устунда суратида бакнинг тўлиш баландлиги,- махражида – бак баландлигининг ҳар бир сантиметрини қиймати берилади.

Омбордаги қолдиқларни ва цехдаги тайёр маҳсулотларни инвентарлаш вақтида 4,5,6,7 ва 8 – устунлар тўлдирилмайди. 13-графа тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлашда тўлдирилади. Хомашёга нисбатан қайта ҳисоблаш (уруғ, ёғ ва б.) лаборатория маълумотлари асосида амалга оширилади. Қайта ҳисоблаш натижалари инвентарлаш далолатномасига илова қилинади.

Ушбу далолатнома тузилаётганда пахта ёғи инвентарлаш учун чигитларнинг нави 2-устунда кўрсатилади.

28^a -шакл

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Раҳбар _____
« _____ » _____ 200__ й.

« _____ » _____ 200__ й. учун
_____ ёғ ҳаракати бўйича

ҚАЙДНОМА

Т.р	Кўрсаткичлар номи	Жами ёғ, тн	Шу жумладан, навлар бўйича		
			Олий нав тн	1 нав тн	2 нав тн
1	2	3	4	5	6
1.	Ойнинг бошидаги қолдиқ	650	100	500	50
2.	Юкланган (жўнатилган)	2100	650	1385	65
3.	Ойнинг охиридаги қолдиқ	850	150	675	25
4.	Бир ойда ишлаб чиқарилди (2+3-1)	2300	700	1560	40
5.	Ой давомида ҳисобда қайд қилинди	2300	710	1565	25
6.	Ҳисобда ҳисобини юретиш зарур бўлган, тафовут	-	+10	+5	-15

Бош муҳандис:

Лаборатория мудири: